

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

38 Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2185*

(2011 йил 6 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52 (I)-сон), «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги ПҚ–1257-сон «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 1-2-сон, 4-модда) ва 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ–1326-сон «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 17-сон, 131-модда) қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сон «Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 14-сон, 119-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2000 йил 18 сентябрда 102, 2000-119-сон билан тасдиқланган «Бозорларда савдо қилиш жойи берилганлиги ва кўрсатилган хизматлар учун бир марталик йиғим тўланганлиги тўғрисидаги қатъий ҳисоботдаги патта-

ларни тайёрлаш, ишлатиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқ-нома (2000 йил 21 сентябр, рўйхат рақами 971) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2010 йил 27 декабрь,
108-сон

Р. АЗИМОВ**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2010 йил 27 декабрь,
2010-52-сон

Б. ПАРПИЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2010 йил 27 декабрдаги
108, 2010-52-сон қарорига
ИЛОВА

**Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида
бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган
хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини
ташkil этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52 (I)-сон), «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги ПҚ–1257-сон «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 1-2-сон, 4-модда) ва 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ–1326-сон «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташkil қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 17-сон, 131-модда) қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сон «Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомил-

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 14-сон, 119-модда) қарорига мувофиқ бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиаллари ҳамда уларнинг ҳудудида савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларга татбиқ этилади.

2. Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларининг тушумлари ва даромадлари қуйидагилар:

бир марталик йиғимлардан даромадлар;

ижара тўловларидан даромадлар;

сотувчилар ва харидорларга хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

бозор маъмурияти (ёки унинг савдо-харид корхоналари) томонидан амалга ошириладиган қишлоқ хўжалиги товарларини тайёрлаш, харид қилиш ва сотишдан (деҳқон бозорлари учун) олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар бозорлар даромадларининг манбалари ҳисобланади.

3. Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган ставкалар ва таърифлар бўйича ҳудудий молия ва солиқ органлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳар йили белгиланадиган минимал миқдорлардан паст бўлмаган миқдорда ундирилади.

II. Бозорларда бир марталик йиғим тўловини ундириш

4. Бозорларда товарлар, буюмлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотувчи жисмоний шахслар бир марталик йиғимни тўлайдилар.

Бир марталик йиғим ҳар бир сотиш жойидан савдо қилинган ҳар бир кун учун ёки ҳар бир товар, буюм, чорва мол учун ундирилади.

5. Бир марталик йиғим тўлови тўловчилар томонидан нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда автоматлаштирилган банк тизими орқали назорат-касса машиналари ёки тўлов терминалининг чекини бериш орқали амалга оширилади.

6. Бир марталик йиғим тўланганлиги тўғрисида берилган чекда бозор номи, чек берилган вақти ва санаси, тўлов номи (бир марталик йиғим тўлови), тўлов суммаси, жой рақами, сотиладиган товар номи, назорат-касса

машинасининг ёки тўлов терминалининг рақами тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

7. Бир марталик йиғим тўланганлигини тасдиқловчи чек сотувчида кунлик савдонинг якунига қадар сақланади ва уни бошқа шахсга бериш ман этилади.

III. Ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ундириш

8. Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларининг маъмурияти (бундан кейинги ўринларда маъмурият деб юритилади) тасарруфида бўлган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа мол-мулкдан ва уларнинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар тўловчилари ҳисобланади.

9. Бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа мол-мулкни ижарага бериш фақат: юридик шахсларга;

якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномага эга бўлган жисмоний шахсларга татбиқ этилади.

10. Ижара тўловлари ундирилиши маъмурият ва ижарачи ўртасида конун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган ижара шартномасига асосан амалга оширилади.

Ижара тўлови ижарачи томонидан ҳар ойнинг 25-санасига қадар бозор ёки савдо комплексининг ҳисоб рақамига тўланади.

11. Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида кўрсатилган хизматлар учун тўловлар хизматлар кўрсатиш бошлангунга қадар, нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда автоматлаштирилган банк тизими орқали назорат-касса машиналари ёки тўлов терминалининг чекини бериш орқали ундирилади.

IV. Сотувчиларнинг ва маъмуриятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Сотувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маъмуриятдан бозорнинг иш тартиби ва режими бўйича зарур тушунтиришлар олиш;

бозор маъмурияти томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлардан фойдаланиш;

ўзларининг фаолияти назорат органлари томонидан текширилган тақдирда маъмурият ходимларини таклиф этиш;

маъмуриятга бозор, савдо комплекслари ва уларнинг филиаллари фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш.

13. Сотувчилар бозор, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида қуйидагиларга мажбур:

бозор, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида савдо фаолияти-

ни амалга оширишда ўз ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатга, бир марталик йиғим тўланганлиги тўғрисидаги чекка, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиш;

товарлар, буюмлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини фақат маъмурият томонидан белгиланган жойларда сотиш;

савдо ўринларини тоза ва тартибли сақлаш;

маъмурият ва назорат қилувчи органларнинг қонуний талабларини ба-
жариш.

14. Савдо ўрнини учинчи шахсга бериш тақиқланади.

15. Маъмурият қўйидаги ҳуқуқларга эга:

юридик шахсларга ва яқка тартибдаги тадбиркорларга бозор, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида савдо фаолиятини амалга ошириш ҳамда хизматлар кўрсатиш учун шартнома асосида савдо ўринлари бериш;

деҳқон бозорларида жисмоний шахсларга, улар томонидан бир марталик йиғим тўланган тақдирда ёзма шартномалар тузмасдан савдо ўринлари бериш;

шартнома асосида қўшимча хизматлар кўрсатиш;

назорат органлари вакилларига улар бозорларда ўз функцияларини амалга ошираётганда ҳамроҳлик қилиш;

ижарачилар томонидан бозор, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида савдо фаолиятини амалга оширишга белгиланган талаблар такроран бузилиши ҳоллари ҳужжатли тарзда тасдиқланган тақдирда улар билан турғун объектларни ижарага бериш, савдо ўринлари тақдим этиш юзасидан тузилган шартномаларни муддатидан олдин бекор қилиш.

16. Маъмурият қўйидагиларга мажбур:

сотувчиларни деҳқон бозорларида қатъий белгиланган савдо ўринларида жойлаштириш;

бир марталик йиғимлар, ижара учун ва кўрсатиладиган хизматлар тўловларни ундиришнинг белгиланган тартибларига риоя қилиш;

маъмурият томонидан ундириладиган бир марталик йиғим, ижара тўлови миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва қийматини бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларига қириладиган барча жойларга осиб қўйиш;

100 та ва ундан кўпроқ турғун савдо нуқталари ҳамда савдо ўринларига эга бўлган бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғим, ижара ҳақи тўловлари, кўрсатилган хизматлар учун тўловларни фақат автоматлаштирилган тарзда банк тизими орқали ундирилишини жорий қилиш;

бир марталик йиғимлар, ижара ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида тўланиши юзасидан доимий назорат ўрнатилишини таъминлаш;

бир марталик йиғим, ижара тўлови ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган нақд пул тушумларини хизмат кўрсатувчи банкка ўз вақтида инкассация қилинишини таъминлаш;

савдо жойлари мавжуд бўлганда, сотувчиларни улар билан тўлиқ таъминлаш;

маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига тўловларни ўз вақтида ажратишни таъминлаш.

V. Бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ундирилишини назорат қилиш

17. Бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ундирилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилади.

18. Маъмурият ҳар куни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси ҳудудий бўлимининг бириктирилган ходими билан биргаликда, савдо ўринларини ҳақиқатда тўлдирилиши, бир марталик йиғим, ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг тушуми ҳисобини олиб боради.

19. Бир марталик йиғим, ижара тўловини ундириш, шунингдек аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда автоматлаштирилган банк тизими ҳамда назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларининг ишлатилишининг ҳисобини тўлиқ юритилиши учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг ҳудудий бўлимлари ходимлари аниқ бир бозор, савдо комплекси ва уларнинг филиалларига тегишли буйруқ билан бириктириладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг ҳудудий бўлимларининг бириктирилган ходими маъмурият ходими билан биргаликда ҳар куни қуйидагиларни амалга оширади:

кузатиш ва санаш орқали савдо ўринларининг ҳақиқатдаги тўлдирилганлиги юзасидан ҳисоб олиб боради. Ҳисобга олиш натижасига кўра, савдо ўринлари ҳақиқатда тўлдирилганлигини ҳамда тушум ва тўловлар бўйича маълумотнома тайёрлаб, ушбу Низомга иловага мувофиқ ўтказилган ҳисобга олиш натижалари тўғрисидаги маълумот тўлдиради. Маълумотнома ва ўтказилган ҳисобга олиш натижалари тўғрисидаги маълумот маъмурият томонидан имзоланганидан кейин, унга имзоланган маълумотнома ва ўтказилган ҳисобга олиш натижалари тўғрисидаги маълумотнинг нусхасини тақдим этади.

маъмурият томонидан бир марталик йиғим, ижара тўлови ва бошқа тўловларни банк орқали ундиришнинг автоматлаштирилган тизими қўлланилишини ўрганади;

бозор, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида савдо ўринлари-

нинг ҳақиқатдаги тўлдирилганлигини бозорлар даромадлари манбалари кесимида автоматлаштирилган банк тизими орқали ундирилган тушумларга мос келишини таҳлил этади.

20. Ўтказилган ҳисобга олиш натижасига кўра тузилган маълумотномалар махсус китобга қайд этилади ва алоҳида иш жилдига тикилади, улардаги мавжуд бўлган маълумотлар таҳлил қилинади ва умумлаштирилади.

Таҳлил маълумотларидан бозорлар ва савдо комплексларининг даромадлари (манбалар кесимида) тўғрисида электрон база яратиш ва юритишда, шунингдек бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида қисқа муддатли текширишларни ўтказишда фойдаланилади.

VI. Яқунловчи қоидалар

21. Маъмурият томонидан бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминламаслик, шунингдек ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ҳолларидан ташқари, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмаган шахсларга савдо ўринлари берилганлиги ҳолатларида, маъмуриятнинг раҳбар ва бошқа масъул ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

22. Бир марталик йиғимлар ва ижара тўловларини тўламасдан фаолият юритаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

_____ да
жойлашган
 _____ **бозор/савдо**
 _____ **комплексид**
 «_____» _____ **20_____ й.**
ўтказилган ҳисобга олиш натижалари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ

Т/р	Кўрсаткичлар	Сони/ суммаси
1.	Жами савдо расталари (ўринлари) сони:	
	шундан, банд бўлганлари:	
	савдо расталари учун бир марталик йиғимдан тушум суммаси (минг сўм):	
2.	Турғун савдо шохобчаларининг жами сони:	
	шундан, ижарага олинганлари:	
	ижара ҳақи тўловини тўлаганлар сони:	
	тўланган ижара ҳақи тўлови суммаси (минг сўм):	
3.	Кўрсатилган хизматлардан тушган тушум жами:	
	шундан, арава ижарасидан:	
	тош-тарозу ижарасидан:	
	бошқалардан:	

**Давлат солиқ
хизмати ходими**

(имзо, Ф.И.Ш.)

**Бозор директори
(савдо комплекси)**

(имзо, Ф.И.Ш.)